Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1 октябрь, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 203 (1720)

ҚУТЛУҒ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Туронзаминда билимга, маърифатга ихлос ва эҳтиром ҳисси теран илдизларга эга. Қадимий «Овасто» китобимиз саҳифалари шундан гувоҳлик беради. Зардуштийлик динининг асосчиси ва «Овасто»нинг муаллифи Спитама Заратуштра, жумладан, «Тарбия - ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, таянчи ҳисобланиши лозим» дейди. «Овасто»да ўгит қилинишича, таълим-тарбия инсонда «Эзгу фикрат», «Эзгу калом» ва «Эзгу амал»ни шакллантирмоғи керак. Бу таълимот нақадар ўлмас ва нақадар замонавий жаранглайди!

КИМ СЕНГА БИР ҲАРФ ЎҚИТМИШ...

Туркийзабон адабиётнинг сарчашмасида турган, бундан 930 йил аввал яратилган Юсуф Хос Ҳожибнинг китоби «Кутадғу билик»да ҳам билим, маърифат - асосларнинг асоси, деб тарғиб этилади. Жумладан, мазкур асарда шундай сатрлар битилган:

Яна бир ҳикмат бор. Ҳазрати одам-
Билим, ақл-идрок сабаб муҳтарам.

Билим, ақл-заковат сабабли Инсон зотининг мукаррам эканлиги умуман Шарқ фалсафаси ва адабиётининг бош ғоясидир.

Шарқ доимо ўз йўлидан қайтмади, ўз ғоясидан адашмади, қирғинбарот инқилобий тўнтаришлар, қонли қасоскорликлар орқали эмас, балки билим, маърифат, ўзўзини англаш орқали тараққиётга эришувни энг мақбул, энг тўғри йўл, деб билиб келди ва билиб келмоқда.

Билим, ақл-заковат қудратига ишонч мустаҳкам бўлган заминда, пировардида, билим, маърифат тарғиботчиларига - устоз, муаллим, мураббий шахсига эҳтиром ҳам ўзгачадир. Шул боис ҳам ҳазрат Алишер Навоий бобомиз демишлар:

Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Ўқитувчи, мураббий, устоз ана шундай улуғ зотдир. Соҳибқирон Амир Темур ёзадилар: «Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Уларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуофотиҳа беришларини ўтиндим».

Устозларга, мураббийларга бундай кўнгилдан топиниш даражасидаги эҳтиром тарихимизнинг кўплаб намояндаларига хос хислатдир.

Орадан асрлар ўтиб, она Ватанимиз мустақилликка эришган ҳозирги мунаввар кунларда устоз ва мураббийлар шаънига чексиз меҳр-муҳаббатли сўзларни қайтадан эшитишга муяссар бўлдик.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларидан бирида бу улуғ касб кишилари тўғрисида шундай дедилар: **«Ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан, олижаноб ўқитувчиларимизни, мўътабар мураббийларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз».**

Йўлбошчимизнинг бу сўзлари ўз умрини ёш авлодлар тарбиясига бағишлаб келаётган ҳурматли ўқитувчиларимиз ва мураббийларимиз қалбида ўз касбларидан чуқур фахрланиш ва мамнуният ҳиссиётуйғуларини уйғотиши шак-шубҳасиздир.

Ҳозирги пайтда Ватанимиз ва халқимиз ўзига хос Уйғониш даврини бошдан кечирмоқда. Чунончи, барча Уйғониш паллаларида бўлганидай, ҳозирги кунда ҳам маънавий ривожланиш-умумривожланишнинг пойдевори, асоси деб эълон қилинди. Миллий тил, яъни она тилимиз давлат тили мақомига эришди. Халқимиз ўзлигини англашдек улуғвор бир жараённи бошдан кечирмоқда. Жумладан, билим, маърифат соҳаларига Шарқона юксак эҳтиромли муносабат бугун қайтадан шаклланаётир. Мактабга, ўқув масканларига, ўқитувчилар, мураббийларга алоҳида ғамхўрлик дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилянпти.

Республикамизда таълимнинг моддий-техник асосларини юксак замонавий талаблар даражасига кўтаришга катта эътибор берилмоқда. Ҳар йили юзлаб янги мактаблар қад кўтараяпти. Ўқув даргоҳлари таълим учун зарур энг замонавий жиҳозлар билан қуроллантирилмоқда, ёппасига компьютерлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда. Эски дарсликлар, қўлланмалар ўрнини янги, замонавий тафаккурли дарсликлар, қўлланмалар эгаллаяпти. Таълим масканларида ҳозирги кун талаблари билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, тадбиркорлик билимларини ривожлантирувчи дарслар жорий этилмоқда, ўқувчи ёшларимиз кўпгина чет тилларни ўргана бошладилар. Ўзбекистоннинг иқтидорли болалари эса чет элларга бориб ўқимоқдалар.

Буларни таълим соҳасида юз бераётган инқилоб деб баҳоласа бўлади. Бу туб бурилишлар эса мустақиллик туфайли рўй берди.

Таълимда ҳал қилувчи куч, бу - ўқитувчилар ва тарбиячилардир. Шу боисдан давлатимиз ушбу касб намояндаларини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий муҳофаза этиш бўйича улкан тадбирлар мажмуасини амалга оширяпти. Педагог ходимларга давлат уйлари, ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги уйлар бепул хусусийлаштириб берилди. Уларга шахсий ҳовли-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилмоқда. Шаҳар транспортларида юришда, коммунал хизмат бобида катта имтиёзларга эга бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан эса шу йилнинг 1 сентябридан ўқитувчиларнинг асосий вазифасига кирмайдиган юмушларни бажарганликлари учун қўшимча ҳақ 50 фоизга, ақлий ва жисмоний ногирон болалар ўқув-тарбия муассасаларида ишлайдиган тарбиячиларнинг иш ҳақи миқдори эса 2 баробарга оширилди. Ўқитувчиларимизнинг иш соати ҳафтасига 36 соатдан 25 соатга камайтирилди. Қарорда шунингдек, биринчи синф ўқувчиларига ўқув қуроллари тўпламини бепул равишда тарқатиш вазифаси қўйилди. Бу йил 626 мингдан зиёд биринчи синф ўқувчилари шундай имтиёздан фойдаландилар. Бундан ташқари, камхарж оилаларнинг болалари қишки кийим-кечаклар билан таъминланмоқда.

Ўқитувчиларимиз орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳам пайдо бўла бошлади. Минглаб ҳурматли муаллимлар ва тарбиячилар ўтган олти йил ичида давлатимизнинг фахрли унвонлари, орденлари ва медалларига лойиқ топилдилар. Фақат шу йилнинг ўзида 300 дан ортиқ педагоглар юксак ҳукумат мукофотларига муносиб кўрилдилар.

Мамлакатимиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида яна бир муҳим тарихий воқеага асос қўйилди. Фармоннинг 5-бандида 1997 йилдан бошлаб, 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилинган. Бу кун умумхалқ байрами ҳисобланиб, уни бутун эл нишонлайди ва дам олади. Шундай қилиб, «Яхшининг шарофати билан» деганларидай, халқимиз муҳтарам ўқитувчилар ва мураббийларимиз туфайли яна бир ажойиб байрамга эга бўлди. Ҳаммамизга бу қутлуғ байрам муборак бўлсин!

Биз тамомила янги бир тарихий шароитда яшаяпмиз. Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат тамойиллари билан яшаш босқичига кўтарилиб бормоқда. Ҳаётимизда бозор иқтисоди қонуниятлари кун сайин теран томир отмоқда. Ҳуқуқий билимларни эгаллаш ҳам, демократик онгга эришиш ҳам, бозор иқтисоди билан боғлиқ тафаккур ҳам, аввало, маънавият, маърифий малака дегани. Шу боис мамлакатда халқнинг маънавий ривожига тинимсиз эътибор бериб келинаяпти. Бу эса ўз навбатида мактаблар, олий ва ўрта ўқув юртлари олдига, ўқитувчилар ва тарбиячилар зиммасига ҳам жиддий масъулият, вазифаларни юклайди.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек: «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келаяпмиз». Чунки янги тарихий босқичга кўтарилаётган жамият янги тафаккурли, янгича ишлаш қобилиятига эга ўз мураббийларига эга бўлишни тақозо этмоқда. Давлатимиз бу жабҳада кенг кўламда иш олиб бораяпти. Лекин бу муаммоларни ечишнинг кўп жиҳати бевосита педагогларимизнинг ўз саъй-ҳаракатлари, фидойиликлари, изланиш ва интилишларига ҳам боғлиқ. Эзгу байрамлари кунида ҳаммамиз учун азиз кишилар ҳисобланган ўқитувчилар, мураббийлар ва тарбиячиларга бу улуғ янгиланиш йўлида улкан ютуқлар тилаймиз. Улар ҳамиша жамиятнинг илғор аъзолари сифатида олдинда одимлаб, ўз ақл-идроклари, мураббийлик истеъдодлари билан халқ маънавияти чароғбонлари бўлиб келганлар. Бундан кейин ҳам мушкул, аммо фахрли ўз миссияларини улар шараф билан уддалашларига ишонамиз. Чунки келгусида жамиятнинг қандай даражада бўлиши, жумладан, ўқитувчилар ва мураббийларимизнинг ҳам инсоний ва маънавий комиллик даражаларига узвий боғлиқдир.

Аббосхон УСМОНОВ.

Тошкент шаҳридаги 254-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Жамила Холова — ўз касбининг моҳираларидан бири.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ҲАЁТНИНГ ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИ

Мен бу йилги ўқитувчиларнинг анъанавий касб байрамини ўзгача қувонч, шукуҳ, орзу-умидлар билан қаршилаяпман. Мустақил мамлакатимиз, биринчи навбатда, ҳурматли йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг жуда катта эътиборлари туфайли мендек оддий ўқитувчига «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган мамлакатимизнинг энг олий унвони берилди. Бу қутлуғ шарафга юртимиз истиқлолга эришганлигининг 6 йиллиги арафасида мушарраф бўлганлигим қувончимга-қувонч қўшди.

Мен узоқ йиллардан бери мустақил юртимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқилишини орзу қилиб келардим. Мамлакатимиз Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида мазкур қонун ҳам қабул қилинди. Бу қонунни тайёрлашда айрим таклифларим инобатга олинганлиги учун ҳам байрам қўшалоқ байрамга, тантаналар қўшалоқ тантанага айланиб кетди.

Ҳақиқатан юртимиз истиқлолга эришгандан сўнг халқ таълимини ривожлантиришга, уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга алоҳида эътибор бериляпти. Истиқлол туфайли менинг кўп йиллик орзу-ниятларим амалга ошди. «Математика ва компьютер саводхонлиги», «Қизиқарли математика ва ўқувчилар тарбияси» сингари таклифларим, таълим-тарбия мавзуидаги чиқишларим мамлакатимиз мактабларида кенг қўлланила бошланди. Бундан 6 йил аввал «Ўқитувчи» нашриёти «Саҳнада математика» қўлланмамни нашр қилганди. Китобчада математика фани бўйича тўгарак машғулотлари ўтказиш, ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш йўллари ҳақида амалий таклифлар берилган эди. Ҳозирги кунда халқ таълимида юз берган катта ўзгаришларни эътиборга олиб, ҳозир мазкур китобчанинг лотин алифбосидаги нусхасини тайёрлаш борасида иш олиб бораяпмиз.

Шу кунларда мени шаҳримиздан ташқари, қўшни туманлардаги мактабларга учрашувларга, амалий мулоқотларга тез-тез таклиф қилишяпти. Айниқса, иш тажрибамни ўргангани водийнинг турли бурчакларидан касбдошларим таширриф буюриб турганлиги мени жуда қувонтиради.

Манзура МАДАЛИЕВА,
«Ўзбекистон Қаҳрамони», Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб математика ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ШАҲАРЛАР ВА ТУМАНЛАР ҲОКИМЛИКЛАРИ АППАРАТИ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва марказий бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини аста-секин маҳаллий бошқарув органларига бериш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати бошқарувнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

2. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратининг намунавий тузилмаси, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича гуруҳлар рўйхати ва масъул ходимларнинг чекланган сони тасдиқлансин.

3. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга киритилган тузатишларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикасига ҳамда вилоятларга бўйсунувчи бир қатор шаҳарлар ва тегишли қишлоқ туманлари ҳокимликлари аппаратларини бирлаштириш бўйича таклифлари қабул қилинсин.

Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳамда қишлоқ туманлари ҳокимликлари аппаратлари тузилмаларининг бирлаштирилиши муносабати билан вазирликлар ва идоралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ушбу ҳудудлардаги ўз тасарруфларида бўлган бошқарув органлари тузилмасини ва ходимларининг чекланган сонини қайта кўриб чиқсинлар.

4. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда халқ хўжалиги тармоқларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва халқ фаровонлигини оширишни таъминлаш юзасидан ҳукумат ва ҳудудлар дастурларини амалга ошириш;

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш;

хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларни таркибий қайта ўзгартириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ва уларнинг ҳокимликларининг қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш;

молия ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш;

тадбиркорлик ва хусусий ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш.

5. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати, уларнинг мустақил бошқармалари (бўлимлари) раҳбар ходимлари ва мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядлари тасдиқлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 5-илованинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва тариф коэффицентларига оид қисми ва 6,7,11,12,13,14-иловалар ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 сентябрь.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳайъат мажлиси бўлди.

Унда оммавий ахборот воситалари билан алоқалар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу муносабат билан ҳайъат мажлисига журналистлар, радио ва телевидение ходимлари таклиф этилди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, Давлат мулк қўмитаси раиси В. Чжен бошқарди.

Журналистлар билан учрашувда сўнгги вақтда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига доир ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотлар анча кўпайгани айтилди. Бироқ бу мураккаб ва кўпқиррали ишни оммавий ахборот воситаларида ёритишда ҳали нуқсонлар кўп.

Мажлис иштирокчилари юз берган вазиятни таҳлил этиб, ўртага қўйилган масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар, республикада ислоҳотларнинг боришини янада тўла ва малакали ёритиш мақсадида давлат органлари, иқтисодчилар, тижорат тузилмалари ва журналистлар ўртасида мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш тўғрисида ўз таклифларини айтдилар.

(ЎзА)



ЯНГИ ИЛМ ДАРГОҲИ

Мамлакатимизда илк бор умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яна бир илм маскани -- Шарқшунослик лицейи очилди. Шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг 325 — лицейида умумтаълим фанлари билан бир қаторда кўпгина хорижий мамлакатлар тили, иқтисодиёти ва тарихи алоҳида дастур асосида ўқитилади. Бу йил лицейга қабул қилинган 150 нафар саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи синф ўқувчилари инглиз, япон, корейс, араб, форс, ҳинд, турк тилларини ўрганади. Бунда замонавий техник воситалар ва компьютерлардан кенг фойдаланилади.

Лицейнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳозирдаёқ ўз самарасини бераётганини таъкидлаб, мазкур лицей ҳам фарзандларимиз пухта билим оладиган илм даргоҳлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашига умид билдирдилар.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: лицей очилишидан лавҳалар.
А. РИСҚИЕВ олган суратлар.

(Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган саҳифа материалларини газетанинг 2-бетида ўқийсиз).

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 30 сентябрь, сешанба сонида эълон қилинган «Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 11-моддасининг биринчи хатбошисидан сўнг **«12-модда. Умумий ўрта таълим»** деган сўзлар қўшиб ўқилсин.

РОСТ АЙТСАМ, ЎЗИНГСАН ЭНГ АВВАЛ ДАҲО, СЕН ҲАЁТ ГАНЖИДА ДУРРИ БЕБАҲО.



Илм дунёсига янги Алифбо сабоғидан бошланган қадаминг мунаввар бўлсин, қизалоқ!

А. РИСҚИЕВ олган сурат.

Тарбиячи, устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд этиш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай юксак фазилатларга эга бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ

Г. Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати талантлар масканидир. Бу ерда илк таълимни олган неча-неча улкан санъаткорларнинг истеъдоди дунёнинг кўпгина мамлакатларида олқишларга сазовор бўлди. Ҳозир мактаб-интернатда 500 нафар нафис санъатга мойил иқтидорли болалар тарбияланмоқдалар.

СУРАТДА: улардан бири, республикамизда ўтказилган «Санъат ғунчалари» танловининг ғолиби, виолончелист Суннат Иброҳимов ўз мураббийси, Тошкент давлат консерваторийси доценти Жаҳонгир Иброҳимов билан машғулот пайтида.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзА)

ИЛМ — ДУНЁ ЗИЙНАТИ

Ривоят қилишларича, қиёмат куни Муҳаммад алайҳиссалом умматларидан ўз умрини илм ўрганиш ва ўргатишга бағишлаган бир кишини Тангри таолонинг ҳузурига келтирадилар. Тангри таоло Жаброил алайҳиссаломга бу одамни Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурига олиб боришни амр этади. Жаброил алайҳиссалом бу кишини жаннатга, расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳузурига олиб боради.

Қарасаларки, пайғамбар алайҳиссалом ҳавзи Кавсарнинг лабида туриб, умматларига косада сув олиб ичириб турибдилар. Пайғамбаримиз бу олимни кўриб, косада эмас, балки муборак қўллари билан ҳавзи Кавсар сувидан ичирадилар. Бошқа одамлар бу ҳолни кўриб, «Ё расулуллоҳ, бизларга сувни косада бераётган эдингиз, бу одамга қўлларингиз билан сув беришингизнинг сабаби нимада?» деб сўрайдилар. Шунда пайғамбар алайҳиссалом: «Дунёда ҳамма одамлар тижорат қилиб, дунё топмоққа машғул бўлиб юрган вақтларида бу олим дунёнинг муҳаббатидан кечиб, илм ўрганди ва ўрганган илмини шогирдларига ўргатди. Шу боис, бу олимга Кавсар сувини ўз қўлим билан ичирдим», деб жавоб берган эканлар

Ушбу ривоят мазмунидан ҳам маълум бўладики, илм ўрганиш ва ўргатишнинг савоби ниҳоятда улуғ. Зеро, ҳадиси шарифда «Илм-дунё зийнати ва охират шарафи» деб марҳамат қилинади. Табарруқ китобимиз «Ўқи!» калимаси ила бошланиши бежиз эмас. Инсониятнинг илоҳий олам билан мулоқоти «Ўқи!» деган муборак хитоб билан бошланган эди. Шунинг ўзиёқ ўқимоқ ва ўқитмоқнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти нечоғлик улуғ эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Яна бир ҳадиси шарифда марҳамат қилинишича, пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга айтдилар: «Жаннатда шундай бир қавм бўладики, уларнинг даражаларига пайғамбарлар ҳам ҳавас билан қарайдилар». Саҳобалар сўрадилар: «Ё расулуллоҳ, бу бахтиёр қавм кимлардур?» Расулуллоҳ с. а. в. марҳамат қилдиларки, «Улар Оллоҳ билан дўстлашганлар, Оллоҳ йўлида дўстлашганлардур». Олимлар расулуллоҳ с. а. в. ушбу муборак калималарида кимларни назарда тутганларини кўп мушоҳада қилишиб, булар -- муаллим ва шогирддирки, улар Оллоҳнинг йўлида илм ўрганиш ва ўргатиш мақсадида дўстлашгандурлар, деган фикрда тўхталган эканлар. Тангри таоло ҳузурида ҳақиқий муаллим ва шогирднинг даражаси нақадар улуғлигига ушбу ҳадиси шариф яққол далил бўла олади.

Масаланинг яна бир жиҳатини ҳам эътиборга олиш лозимки, шу қадар юксак ҳурматга эришиш учун муаллим ҳам, шогирд ҳам шунга муносиб бўлмоғи керак. Ҳазрат Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида мударрис «мансаб ва амалдорликка қизиқмаслиги, ўзи билмайдиган илмдан дарс беришга ҳавас кўргазмаслиги» зарурлигини таъкидлайдилар. Мана шундай ёмон хулқлардан пок бўлган, ўз касбига муҳаббат қўйиб, энг олий мақсади -- комил инсонларни тарбиялаш бўлган муаллимлар ҳар қанча эъзозга муносибдирлар.

Бугун -- муаллим ва тарбиячилар куни. Азиз умрларини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган барча мўътабар инсонларни, устозларни ушбу саодатли кун билан муборакбод этамиз. Улар тарбиялаган фарзандларнинг элимизга, миллатимизга, Она Ватанимиз равнақига хизмат қиладиган комил инсонлар бўлиб вояга етишларини Парвардигор барчамизга муяссар айласин.

Нурбой Абдул ҲАКИМ.

ТАЪЛИМ МАРРАЛАРИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

1997-98 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Республика педагогика институтларида йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўрганиш юзасидан 50 соатлик махсус курс, ўрта таълим мактабларида эса 18 соатлик дарс режалаштирилди. Шунингдек, олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртларига бу йилги ўқув йилидан 40 соатлик «Инсон ҳуқуқлари» махсус курси ўқитила бошланади.

* * *

Педагогика институтларида барча гуруҳ талабалари учун 30 соатлик «Маънавият ва маърифат асослари» курси киритилди. Шунингдек, бу олий ўқув даргоҳларида «Инглиз тили» мутахассислиги, «Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари» қўшимча мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади.

* * *

Педагогика ўқув юртларида мактабгача тарбия муассасалари учун инглиз, рус, ўзбек тилларини баравар эгаллаб чиқувчи тарбиячилар тайёрланмоқда.

ЭНГ БАХТЛИ ИНСОН

Мен ҳозиргача ўз устозим -- биринчи муаллимим Ғиёс ака Мусаевни чуқур ҳурмат билан ёдга оламан. Руҳларини шод қилишга доимо ҳаракат қиламан. У киши ҳарф танитиб, китоб, билим оламига йўлимизни очган илк устоз эдилар.

Ўрта мактабга 1947 йилда бордим. Ўн йил давомида устозларнинг ўгитларини уқдим ва берган билимларини ўргандим. Ўқиш давримни ҳамон яхши эслайман. Урушдан кейинги пайтлар эди. Кўпчилик ночор яшарди. Ҳозир эса замон бошқача. Ўқувчилар тўқликка шўҳлик қилишмоқда назаримда. Эсимда, мактабга икки оғайни бирга қатнар эдик. Кийишга кийим, ейишга -- нон йўқ. Қиш фасли. Мактабгача икки чақирим йўл юриш керак. Ярим йўлгача, йиғламай борамиз, сўнг иккаламизнинг «ашула»миз бошланади, чунки қўқнинг тагига совуқ ниналар санчила бошлайди. Қайтиб келаётганда ҳам шу аҳвол.

Мактабда ўқиш билан бирга спорт турлари: футбол, волейбол, кураш билан мунтазам шуғулланганмиз. 7-синфдан бошлаб эса акам билан бирга колхозга чиқиб ишлашимизга тўғри келди. Меҳнат ҳақига 200 граммдан буғдой берилар эди. Тириқчилик оғир эди!

Биринчи устозим Ғиёсқори Мусаевдан кейин Юсуф ака, Қўчқор ака, Фатхулла ака, Ҳамидулла ака, Зокир ака, Зиёвутдин ака, Мажид Қодирий, Маҳмуд ака, Олимжон ака, Любовь Степановна, Фарида Аҳатовна, Бэлла Семёновна ва бошқалар устозлик қилишди. Афсуски, кўпгина устозларимиз бу дунёни тарк этдилар, тириклари билан эса гоҳида учрашиб турамиз.

Эсимда... 8 синфда бизга Мажид Қодирий деган янги математика ўқитувчиси келди. Бу одам Сталин даврида қатағонга учраган математик олим, САГУда катта ўқитувчи бўлган экан. Билим бериш даражалари жуда юқори эди. Илмга қизиқишни менда шу устоз уйғотган. Бизнинг синф бошқа синф ўқувчиларига қараганда кўпроқ нарсани билишарди. Чунки бизлар билан САГУнинг 5-курс талабалари шуғулланар эдилар. Яна бир нарса эсимда... Гоҳида биз аммамизникида йиғилиб қолар эдик. Шу ерда каттароқ акаларимиз мусобақа — «Олимпиада» ташкил қилиб ҳар биримизга математикадан 4-5 тадан мисол ва масала беришар эди. Ким тез ишлайди? Хуллас, фақат мактаб эмас, оилада ҳам илм олиш давом этарди.

Мана шунақа гаплар. Биз роса қийналиб ўқиганмиз. Ҳозирги авлодларимиз эса ҳеч нарсадан ташвиш қилмаса ҳам бўлади. Улар учун замонавий мактабларда барча қулайликлар муҳайё қилинган. Муҳими, ўқишга иштиёқ, ҳаракат бўлса бас, кўзлаган мақсадга, дилдаги орзуларга бекаму кўст эришиш мумкин.

Яқинда Президентимиз кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури бўйича тарихий маъруза қилдилар. Муаллим, устоз, олимларнинг олдига катта вазифалар қўйилди. Мен ҳам 35 йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Шу даврда минглаб талабаларга устозлик қилдим ва улар билан ҳақли равишда фахрланаман. Кўрганда бир-биримизга тик боқиб, қучоқ очиб кўришамиз. Устозлар учун энг катта бахт ҳам аслида, мана шудир.

С. ҚОДИРОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректори.

● *МУРАББИЙЛАР ИЖОДИДАН*

ЭНГ АЗИЗ

Онадек меҳрибон, отадек
улуғ,
Қалби эзгуликка ҳамиша
тўлиқ,
Ҳар битта каломи муқаддас
йўриқ,
Ўқитувчи номли устознинг.

Илму маърифатга бизни
чорлагай.
Кўзларида меҳр нури
порлагай,
Одимлари юксак-юксак
ўрлагай
Ўқитувчи номли устознинг.

Боғларида бол мевалар
битади,
Ҳоки пойин гуллар ўпиб
ётади,
Кўчасидан Қуёш пастлаб
ўтади
Ўқитувчи номли устознинг.

Раҳматхўжа РУСТАМОВ.

● *ШУКРОНА*

БОШИМ КЎККА ЕТДИ

Мен кўп йиллардан буён қишлоқ мактабида физика фанидан дарс бериб келаман. Ўз касбимдан мамнунман. Инсон боласига билим, маърифат улашиш, уларни дунёга ақл-идрок, зиёли кўзи билан қарашга ўргатишдан ҳам улуғ иш бўладими? Айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин уни дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторида кўриш ўқитувчиларнинг қалбидаги энг катта орзу-ҳавас бўлиб қолди.

Ўзбекистонинг юксалиши эса кадрларга боғлиқ. Кадрлар энг аввало мактабда, ўқитувчилар қўлида тарбия кўради. Демак, бугун бизларнинг зиммамиздаги вазифалар катта.

Мен шукр қиламанки, қўлимда ўқиган ёшлар орасидан замонамизнинг малакали кишилари етишиб чиқди. Уларнинг камолотида менинг ҳам озгина ҳиссам бор. Яна шундан фахрланаманки, яқинда таълим соҳасидаги хизматларим давлатимиз раҳбарияти томонидан тақдирланиб, менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўсатган халқ таълими ходими» унвони берилди.

Камтарона меҳнатим Ватаним, ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз томонидан эъзозланганидан кўксим тоғдай кўтарилди.

Эъзоз учун чексиз раҳмат. Бу тақдирлов кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат кўшди.

Б. УМАРОВ,
Тошкент тумани, 11-мактаб физика ўқитувчиси.

Тошкентдаги 110-ўрта мактабнинг физиклари 1997 йилда Чехияда ўтказилган халқаро олимпиадада фахрли тўртинчи ўринни эгаллашди. Бунда шу мактабнинг физика фани ўқитувчиси Умида Тўлаганованинг хизматлари бениҳоя каттадир.

СУРАТДА: Умида Тўлаганова ёш физиклар (чапдан) Наргиза Ваҳобова ва Доно Магомедовалар билан машғулот ўтказмоқда.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Ҳозирги пайтда республика ҳудудида 2та халқаро мактаб, 22 та Туркия Жумҳурияти билан ҳамкорликда ташкил этилган лицей, 2 та чет тилларни ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда.

* * *

Ёшлар чет элларга жўнатилмоқда. Америка Қўшма Штатларининг АКСЕЛС (таълим соҳасида ҳамкорлик Америка Кенгаши ташкилоти) билан тузилган шартномага асосан кейинги уч йилда ўзбекистонлик 172 ўқувчи АҚШга бир йиллик ўқишга юборилдилар.

* * *

АҚШ, ГФР, Франция, Япония, Исроил мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари таклифларига асосан ўзбекистонлик 155 ўқитувчи мазкур давлатларда тил ўрганиш бўйича хизмат сафарларида бўлиб қайтишди.

* * *

Корея Республикаси таклифига асосан республикамиз мактабларида меҳнат қилаётган 50 дан ортиқ корейс тили ўқитувчилари мазкур мамлакатда бўлишиб, унинг таълим тизими хусусиятларини ўрганишган бўлса, ҳунар таълими тизимининг 18 ходими Германияда малакаларини ошириб келишди.

* * *

АҚШнинг Тинчлик Корпуси кўнгиллиларидан 70 га яқин киши ёшларимизга инглиз тилини ўргатмоқдалар.

● *БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИДАН ҚАЙДЛАР*

СОДДА ТАСАВВУРИМДАГИ... МУАЛЛИМ

Маҳзунгина қишлоғини дунё деб билган, ҳар борганимда «Юзингда онангнинг сиймоси яшайди-ей» деб қарши олувчи кўшни аёлларни кўрганда нимагадир адабиёт муаллимимиз Саид Соатовни эслайман. Қишлоғимиз аёлларини байрамларда биринчи бўлиб табрикловчи ўша киши бўларди. Ҳар бир хонадонга алоҳида кириб, бирор совғани ўз қўллари билан топшириб кетардилар.

Бир гал онамни маҳзун ҳолатда кўрдим.

-- Нимага ҳамма одам муаллимдай эътиборли, инсонларнинг қадрига етадиган эмас-а, болам?

Мен бу саволга жавоб берадиган ёшда эмасдим. Кейин ўзлари жавоб топдилар.

-- Муаллим-да, ўшанга шундай.

Биз, болаларнинг эргашадиганимиз, ўрнак оладиганимиз, ўшалардек бўлишга интилганимиз -- муаллимлар бўларди. Бир гал ҳовлисидан ўтаётганимизда дорда ёйилган оппоқ, кўйлакларини кўрганда дугонамга дегандим:

-- Фақат муаллимларгина ана шундай оппоқ тоза кўйлак кия оладилар.

Соддагина тасаввурларимни соғиндим.

Ўқитувчининг дарс беришларияни. Гарчи йиллар ўз таъсирини ўтказган бўлса-да, ҳали-ҳали ўша муаллимимизнинг адабиёт дарсида ўтиргим келади.

Хотирамда муҳрланиб қолган. Тасаввур қилинг, бизнинг адабиёт ва она тили дарсларимиз худди саҳналаштирилган бирор асарга ўхшаб кетарди. Муаллимимиз қайси ёзувчи асарини тушунтирсалар, шу асар қаҳрамонларини ўқувчиларга бўлиб берардилар. Улар худди рол ўйнаётгандек асардаги воқеалар, ҳолатлар, суҳбат жараёнларини доска ёнида жонли тарзда гапириб, кўрсатиб берардилар. Шунинг учун бўлса керак, ўқувчилик йилларимизда ўтилган асарларнинг мазмунини, ҳар бир образларнинг гапларини ҳали ҳануз унутолмайман. Бир куни мактабга кўлтиқларида бир боғлам ўтин билан кириб келдилар. Ҳамма ҳайрон бўлди. Билсак, ўша куни ўтиладиган А. Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясидаги Аср бобо ҳолатини очиш учун керак экан.

Бугунги кун ўқитувчиларида ана шундай ижодкорлик етишмаётгандек. Лекин орадан анча йиллар ўтиб, мен худди ўз муаллимимдек бир ўқитувчини учратдим. Опанинг дарс ўтиш жараёнида ана шундай жонли ҳолатлардан, вазиятлардан фойдалана олиш ҳақидаги фикрлари Саид Соатовдек ҳурматли устозимни ёдга солди. Бугунги кунда тақдир тақозоси билан Саид Соатов Жиззах вилоятида яшайдилар. Анча йиллар бўлди кўрмаганимга. Лекин менинг кўз олдимда у кишининг ўша: мактабдаги дарс ўтиш жараёнидаги сиймоси муҳрланиб қолган.

Маърифат опа Норбўтаева Самарқанд шаҳридаги 20-ўрта мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси. Мана, 26 йилдирки, тақдири ҳамиша ёш - бошланғич синф болалари билан боғланган. 26 йилдирки, кичкинтойларнинг покиза бошлари устида меҳрли қўлларининг тафти бор. Бир куни опани халқ таълими бошқармасида кўриб қолдим. Кўришарканман, қўлларидаги иссиқ тафтдан сесканиб кетдим. Ҳолатимни сездириб қўйдим шекилли, кулиб дедилар:

-- Иссиғим бор, айланай, шамоллаганман.

-- Касалхонадан келяяпсизми? Уйга бориб ётсангиз бўлмайдими?

-- Касаллик варақаси очишни ўзимга эп кўрмайман. Болаларим бошқа ўқитувчи дарсга кирса, «довдираб» қолишади.

Иккинчи марта кўчада учратдим. Хиёбонда аллақандай шаклларга ўхшаб кетадиган тошча ва дарахт шохларини териб юрардилар.

-- Баъзида мавзулардан келиб чиқиб, ўхшаш шакллардан фойдаланаман-да, -- дедилар.

Ўқитувчилик том маънодаги ижодкорликдир, деган гапга ишонмай кўринг-чи. Еки кичкинтойларнинг руҳиятини тушуниш учун муаллимлардан кучли психолог бўлиш ҳам талаб этилиши-чи? Бусиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Боланинг кейинги ўқиш даражаси, аҳлоқи, ўзини тута билиши дастлабки мактаб йилларида шаклланади.

-- Боғчадан келган кичкинтой мактаб тартибларига кўпам буйсунавермайди. Ўйнагиси, боғчага ёки уйга кетгиси келганда муаллимнинг таъсирига эҳтиёж сезилади. Кичкинтойлар ўқитувчиларига ўз онасидай ўрганиб қолишади. Бошқа бир муаллимга ўз ички дунёсини ишониб «топшираверишмайди». Одам узоқ йиллар ишлаш жараёнида болаларнинг меҳрини чуқурроқ сезиб, ҳис қилиб бораркан. Баъзида онасидек ишонишса, нимадир дейишса, юрагим қалқиб кетади. Чунки ҳамма ҳам ўз меҳрини онасидан бошқа аёлга ҳадя этавермайди.

Ўқитувчилар учун ишлайдиган замон келди. Мустақил юртимиз келажаги, аввало, биз бугунги кунда таълим бериб, тарбиялаётган болалар қўлида. Бу шунчалик улкан масъулиятки, буни ҳис қилишнинг ўзи юракка катта «юк»ни жойлайди. Ана шу юкни кўтара олиш қуввати ўқитувчидан замонавий билимни, изланувчанликни талаб этади.

Қай бир мамлакат борки, ўқитувчилар куни ҳамма эъзозда. Қай бир жой борки, бу кун дам олиш куни деб эълон қилинган. Қай бир мамлакат борки, ҳукуматимизнинг юксак унвонлари рўйхатида биринчи бўлиб ўқитувчиларнинг номлари туради. Ҳар йили ўқитувчилар куни арафасида юртимизнинг шарафли касбини эъзозлаб келаётганларга эҳтиром билдирилади. Мукофотлар, унвонлар берилади.

Қизим Манзура ҳам ёнимда дарс беради. Бошида унчалик хоҳламадим. Лойиқ ўқитувчи бўла оладими-йўқми деган фикрга бордим.

-- Сиз ҳам онам, ҳам устозимсизку, уддалаб кетаман-да, -- деди.

... Ўқитувчилик дипломини энг азиз нарсалари қаторида сақлаётганлар, мактабга ҳаётини бир умр боғлаганлар, биринчи муаллим ҳақида фахрланиб гапирадиганларнинг азиз каломларини узоқ йиллар тинглаш насиб этаётганлар -- байрамларингиз муборак.

Болаликнинг қадам изи узоқ йиллар -- ўн йил мактабга тушади. Инсон ҳаёти давомида бошқа ҳеч бир маскан билан ўз тақдирини бунчалик узоқ муддат боғламайди.

Агар имкони бўлса эди, яна ўша муаллимим -- Саид Соатовнинг дарсларида «жон-жон» деб қатнашар эдим. Ва у кишининг:

-- Яшанг, мен сиздан фақат мана шундай муваффақиятнигина кутган эдим, -- деган миннатдорчилик сўзларини соғиндим.

Қандай азиз сўзлар эди бу.

Гули ЧЕҲРА,
Самарқанд.

Саҳифани «Халқ сўзи» мухбири Михли САФАРОВ ҳамда Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари Б. ҚУРОНБОЕВ ва Ш. ПЎЛАТОВлар тайёрлашди.

РИВОЖЛАНАЁТГАН ЎЛКА



Бугун Хитой Халқ Республикаси ташкил топган кун. У ер юзининг энг қадимий давлатларидан бири саналади. Археологик қазишмалар миллион йил илгари ушбу ҳудудда илк одамлар манзилгоҳлари мавжудлигидан гувоҳлик беради. Эрамиздан аввалги 221 йилда кўплаб халқларнинг бошини қовуштирган биринчи феодал давлат -- Цин империяси вужудга келди. Мамлакатда феодал тартиблар ва муносабатлар ўтган асрнинг ўрталаригача сақланиб қолган эди.

XVII асрдан бошлаб Ғарб давлатлари Хитойнинг хомашёга бой, табиий қулай, серунум ерларини босиб олиш ва талон-тарож қилишга киришдилар. Хитой халқи узоқ йиллар босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб борди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ҳудудининг каттагина қисмини Япония босиб олди. 1945 йил Япония таслим бўлгандан сўнг 1949 йилгача Гоминдань ҳукумати билан озодлик уруши давом этди. 1949 йил 1 октябрь куни Пекиннинг Тяньаньмэн майдонида, 300 минг киши иштирок этган митингда Хитой Халқ Республикаси ташкил топганлиги тантанавор суратда эълон қилинди.

Мамлакат ислоҳотлар йўлига қадам қўйгунга қадар жуда мураккаб йўлни босиб ўтди. 1949 йилдан 1978 йилгача ўтган муддат Хитой халқининг ўз тақдири, ўз тарихидирки, унга бир томонлама ёндошиб бўлмайди.

1978 ва 1995 йиллар оралиғида йиллик ўртача иқтисодий ўсиш суръатлари 9,4 фоизни ташкил қилди. Бу эса қишлоқ хўжалиги секторида банд бўлган 71 фоиз аҳолининг 50 фоизгача камайишига олиб келди. 1996 йилда Хитой иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри сармоя миқдори 38 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу борада Хитой жаҳон миқёсида АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди.

Бозор муносабатлари мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Шу билан бирга, Хитойда давлат сектори ҳам сезиларли мавқега эга. Айни пайтда 305 мингта давлат корхонаси мавжуд. Шундан 118 мингти саноат корхонаси бўлиб, улар мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 36 фоизини бермоқда. Ҳукумат мингта йирик давлат ташкилотини ислоҳ қилиб, улар

базасида замонавий корхоналар барпо қилишни режалаштирмоқда. Қолганлари устидан эса назоратни камайтириб, уларга ижара муносабатлари, бошқа корхоналар билан қўшилиш, сотиш ҳуқуқини бермоқчи.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллайди. Қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаш ва қайта тайёрлаш, коммуникация ва инфраструктурани янада ривожлантириш ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига киради.

Умуман олганда, йиллик иқтисодий ўсиш суръатини 6,5 фоиз миқдорида муқим ушлаб туриш Хитойга ўртача даромадга эга мамлакатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Хитой ўзаро суверенитетни ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, ўзаро ҳужум қилмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, муносабатларда тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва тинч-тотув яшашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқалар барқарор ривожланиб бормоқда. Айниқса Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 ва 1994 йилларда Хитойга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий пойдеворига асос солди. Мазкур сафарлар чоғида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида йигирмадан зиёд ҳужжатлар имзоланди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг 1996 йил июль ойидаги мамлакатимизга ташрифи икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди. Президентимиз Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэмин имзолаган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги қўшма декларация, шунингдек, икки мамлакат ўртасида даромадлардан икки ёқлама солиқ олмаслик, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатларнинг имзоланиши ушбу ташрифнинг амалий натижаларидандир. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб ўзбек-хитой қўшма корхоналари юқорида эслатиб ўтилган ташрифларнинг самарасидир.

Икки давлат бир-бири билан умумий чегарага эга бўлмаса-да, Осиё минтақасида кечаётган барча ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол муносабат мамлакатларимизни бирлаштирувчи нуқталардан биридир. Масалан, Тошкентда ўтказилган наркотик моддаларнинг ғайри-қонуний ҳаракати мавзусидаги халқаро семинар, «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» мавзусидаги халқаро конференция ишида ХХР вакиллари иштирок этиб, анжуманда илгари сурилган ғояларни қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз навбатида ХХРнинг ядро қуроллари синовини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги ташаббусини қизғин маъқулламоқда.

Бугун ўз миллий байрамини нишонлаётган, кўҳна «Буюк Ипак йўли»да жойлашган қадимий Хитой давлатининг тараққий этиши, мамлакатларимиз ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини яна мустаҳкамланишидан келажагига комил ишонч билан боқаётган Ватанимиз ҳам манфаатдордир.

Жалолиддин САФОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

ШАРТНОМА ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

В А Ш И Н Г Т О Н. Оқ уй маъмурияти Эрон миллий нефть компанияси билан халқаро консорциум ўртасида тузилган шартномани қайта кўриб чиқишга киришди. Маълумки, Франциянинг «Тотал», Россиянинг «Газпром» компаниялари ҳамда Малайзиянинг «Петронас» фирмаси билан Эрон миллий нефт компанияси ўртасида имзоланган мазкур шартноманинг нархи қарийб 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, у Эрон ҳудудидаги йирик газ конини ўзлаштиришга қаратилган. Бироқ, АҚШ раҳбарияти Эрон нефт-газ саноатига катта миқдорда сармоя киритишга қарши махсус қонун эълон қилиб, мазкур шартнома тайёрланаётган вақтдаёқ, ҳужжатга жиддий норозилик билдирган эди.

«Ушбу шартномага эътироз билдиришимизнинг сабаби шундан иборатки, дейилади Оқ уй тарқатган баёнотда, Эроннинг нефт-газ саноатидан оладиган даромадлари ушбу мамлакат томонидан террорчиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга сарфланади».

ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Г А А Г А. Голландия ва Словения мудофаа вазирлари ҳарбий соҳада ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Келишувга биноан, Голландия томони ҳарбий самолётлар парвозини хавфсизлик билан таъминлаш ва зобитлар малакасини оширишда Словениядга ёрдам кўрсатди. Ўз навбатида Словения голланд аскарларининг Словениядаги тоғли ҳудудларда ҳарбий машқлар ўтказишига имкон беради.

НОРОЗИЛИККА САБАБ БЎЛДИ

Т О К И О. Япония Бош вазири Рютаро Хасимотонинг янги ҳукумат аъзолари қаторига илгари судланган шахсни киритгани мамлакат аҳолиси орасида кескин норозилик уйғотди.

70-йилларда Японияда юқори лавозимли шахслар орасида порахўрлик ривожланиб, жумладан Американинг самолётсозлик соҳасида фаолият кўрсатувчи «Локхид» корпорацияси ҳам Токиодаги ҳукмрон доиралар вакилларининг кўпчилигига пора берган эди. Бу шахслар орасида Коко Сато исмли амалдор ҳам бўлиб, у 1986 йилда икки йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Энди эса, юқори лавозимли шахслар орасида порахўрлик авж олгани ҳақидаги овозаларнинг ҳовури босилмай туриб, Р. Хасимото К. Сатони маъмурий-мувофиқлаштириш бошқармасига бошлиқ этиб тайинлади. Оқибатда мамлакат аҳолисининг қаттиқ норозилигига учради.

Японияда олинган сўнгги маълумотларга қараганда, Р. Хасимото халқнинг норозилигига қарши боришни истамай, К. Сатони вазифасидан озод қилган.

ЁНҒИН НАТИЖАСИДА...

С А Н Т Ь Я Г О. Чили пойтахти яқинидаги болалар уйида ёнғин чиқиши натижасида 31 нафар бола ҳалок бўлди. Дастлабки текширув натижаларига кўра, ёнғин электр тармоқларидаги қисқа туташув туфайли содир бўлган.

Мазкур болалар уйида қарийб 300 нафар турли ёшдаги болалар истиқомат қилар эди.

ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

Л О Н Д О Н. Буюк Британиянинг Галифакс шаҳридаги Колдердейл коллежида Буюк Британия олий ўқув юртларида таҳсил олишни истаган МДҲ мамлакатлари битирувчи-ўқувчилари учун тайёрлов маркази очилди. Марказ мутасаддиларининг таъкидлашича, бу ерда институт ёки университетга киришга ҳозирлик кўриш учун йилига ўн минг АҚШ доллари талаб қилинади.

«Мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ноқонуний равишда ана шундай тайёрлов марказлари очилган, -- дейди коллеж директорининг халқаро алоқалар бўйича ўринбосари Лилиан Блэк. -- Бироқ, бу марказлар фақатгина инглиз тилини ўргатиш билангина чекланади ва олий ўқув юртига кириш учун етарли даражада билим бермайди. Қолаверса, бу марказларда ўқиш учун йилига йигирма минг АҚШ доллари тўлаш керак».

(ЎзА)

ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

● *«ПАХТА-97»*

КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН ПУХТА ЗАМИН

Наманган вилояти деҳқонлари уруғлик пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси шартнома мажбуриятларини бажариб, дастлабки довондан ошдилар.

Уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлардан 21 минг тоннадан зиёд юқори нав уруғлик пахта жамғарилди. Уни асосан «С-65-24», «Фарғона-3», «Наманган-77», «Тошкент-6» каби бир қатор истиқболли ғўза навлари ташкил этади. Бу навлар вилоятнинг табиий шароитига мослиги, юқори ҳосиллиги ва эртапишарлиги билан ажралиб туради. Шу боис пахтакорлар келгуси йил мўл ҳосили учун ҳозирдан пухта замин яратишди.

Бу муваффақиятга Наманган, Тўрақўрғон, Чортоқ, Учқўрғон, Поп туманлари миришкорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, Наманган туманидаги «Ғайрат», К. Солиев номли, Учқўрғон туманидаги «Қайқиобод», Поп туманидаги «Дўстлик», Чортоқ туманидаги «Мустақилликнинг 5 йиллиги» жамоа хўжаликлари пахтакорларининг меҳнатлари самарали бўлди.

Қувонарлиси, жамғарилган уруғлик чигитлар пахта уруғчилиги лабораториясидан ўтказилиб, юқори сифатли ва унувчан эканлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида вилоят «Пахта уруғчилиги» бирлашмаси жамоаси «Супер элита» ва «Элита» уруғлари тайёрлашга алоҳида эътибор бераётганлигини кўрсатмоқда.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЁВУТДА ИШ ҚИЗҒИН

...Оппоқ пахтазорда иш қайнайди. Пайкалларнинг бирида машиналар гурилласа, бошқасида теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бўлиқ чаноқлар шу қадар лўппи бўлиб очилганки, кўриб кўнгил қувонади...

-- Ҳосил чўғи чакки эмас, -- дейди туман ҳокими Аҳадқул Примқулов. -- Насиб этса, 50 центнерга етказиб ҳосил кўтарамиз. Зеро, мазкур бригада биринчи теримдаёқ гектар бошига 30 центнердан кўпроқ пахта йиғиштириб олди. Ана, бригадир опанинг ўзлари ҳам келиб қолдилар.

Мирзачўл офтобида қорайган, хатти-ҳаракатлари дадил, юзкўзларидан мамнунлик балқиб турган опа Меҳри Алланазарова экан.

-- Жуда вақтида келдингиз, ҳоким бува, суюнчини чўзаверинг, бригада пахта тайёрлаш буюртмасини бажарди!

-- Эшитдим. Чин дилдан табриклайман. Хирмонга барака!

Бригада бу йил 31 гектар ерда пахта етиштирди. Эришилган галаба жамоа аъзоларининг йил бўйи қилган фидокорона меҳнати самарасидир. Ғўзани юксак агротехника талаблари асосида парвариш қилишда, суғоришда Саттор Усмонов, Ҳусан Йўлдошев, Эргаш Жўраев каби тажрибали пахтакорларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.

Туманда ташкил этилган «Ғаллакор» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бундай бригадалар талайгина. Шу боис, у нафақат Боёвут туманида, балки вилоятда ҳам энг илғор хўжаликлардан ҳисобланади.

Бу йил хўжалик 1 минг 146 гектар ерда пахта эккан. Режа -- 30 центнер. Лекин далада ҳосил мўл. Пахтакорлар камида 40 центнерлик маррани кўзлашяпти.

Мана, уч йилдирки, хўжаликка тажрибали пахтакор Ғофуржон Алиев раҳбарлик қиляпти. Топшириқлар барча кўрсаткичлар бўйича ошиғи билан бажарилмоқда. Бу, аввало, ишни янгича ташкил этиш, деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги ортгани самарасидир. Хўжалик ғалла топшириш бўйича ҳам давлат буюртмасини вилоятда биринчилар қатори бажарди. Чўл шароитида 760 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон уйилди.

-- Туманимиз аҳли асосий даромадимиз пахтадан эканини яхши билади, -- дейди А. Примқулов. -- Шунинг учун ҳам бугун ҳамма далада. Пахтакорлар моддий манфаатдорлигини оширишнинг барча усулларидан фойдаланяпмиз. Жумладан, қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун даланинг ўзида 3,5 сўмдан ҳисоб-китоб қилинмоқда. Мавсум бошидан буён шу мақсад учун бир неча юз миллион сўм сарфланди. Далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший, тиббий ва савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган.

Пахтакорлар ғанимат ҳар бир кун, ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатда саранжомлаб олиш учун бор куч ва имкониятни ишга солмоқдалар.

Фарҳод НОРМАТОВ,
ЎзА мухбири.

«РАПҚОН» БАРИБИР «РАПҚОН»-ДА!

Бу жамоа хўжалиги ҳақида Фарғона аҳли ҳавас ила шундай дейишади. Сабаби, бир неча йилдирки, рапқонликлар пахта тайёрлаш йиллик режасини вилоятда биринчи бўлиб бажариб келмоқдалар.

Жорий йилда ҳам улоқ уларда кетди: қабул пунктларига 2930 тонна ўрнига 3000 тонна юқори нав «оқ олтин» топширилиб, давлат буюртмаси ошириб уддаланди. 905 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил саранжомланди. Унинг 1100 тоннаси уруғлик пахтадир.

— Шу кунгача мавжуд 25 та пахтачилик бригадасининг 17 таси йиллик маррани забт этди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Собиржон Пўлатов. -- Айниқса, Аҳмаджон Маматов, Иқромали Йигиталиев, Обиджон Азаматов, Абдусалом Рустамов, Умарали Холиқназаров ва Қодирали Абдуллаев бошлиқ бригадаларда юксак хирмон уйилди. Бу жамоаларда ҳосилдорлик 35-45 центнерга етди. Эришилган ютуққа, шунингдек, гектар ҳисобига 45-46 центнердан ҳосил йиғиштириб олган Ҳусанбой Ғиёсов, Шокиржон Суннатов, Шарифжон Йўлдошев, Жуманазар Қодиров бошлиқ эвеналар, мавсум бошланганидан буён кунига 150-200 килограммдан пахта тераётган Маҳбубахон Нурматова, Ҳанифахон Боқиева, Турсуной Усмонова, Сабохон Султонова каби теримчилар муносиб ҳисса қўшдилар.

Хўжалик пахтакорлари давлатга яна 2000 тонна пахта топшириб, ялпи хирмон салмоғини 5000 тоннага, гектар ҳосилдорлигини эса 45 центнерга етказиш ниятида йиғим-теримни тобора қизитмоқдалар.

И. ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўзбек халқининг қадимий байрами - Наврўзга бағишланган энг сара сценарийлар учун очиқ танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

Муаллифлар ўз сценарийларида Наврўз байрамининг тарихий анъаналари, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фольклор-этнографик хусусиятларини байрамона, кўтаринки руҳда ифода этиб, Мустақиллик туфайли Республикада рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни, ислоҳотларни, янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда ифода этмоғи, уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

Танлов муддати: 1998 йилнинг 10 январигача.

Танлов мукофотлари:

1 ўрин - 200 /икки юз/ минг сўм.

2 ўрин - 125 /бир юз йигирма беш/ минг сўм.

3 ўрин - 75 /етмиш беш/ минг сўм.

Байрам сценарийси бир ярим соатга мўлжалланиши ва машинкада уч нусхада кўчирилган бўлиб, 20-30 саҳифадан ошмаслиги лозим. Муаллиф ўз сценарийсини саҳналаштиришга ҳамфикр режиссёрни тасвия қилиш ҳуқуқига эга. Танловга бир ёки бир неча муаллиф ҳамфикрликда яратган сценарийлари билан ҳам қатнашишлари мумкин. Сценарий қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Сценарийлар қуйидаги манзилга йўлланади:
700129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй,
Маданият ишлари вазирлиги

1-қават 2 - 3-хона «Наврўз» танловига

Тел: *144-63-63, 144-63-73*

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Республикамиз Мустақиллигининг етти йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида энг сара сценарийлар учун очиқ танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

Муаллиф томонидан тақдим қилинадиган сценарийда мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий-ижтимоий ҳодиса саналган, миллатимиз тақдир аъмолини ёрқин манзил сари буриб юборган истиқлолнинг ойдин йўли, Ватанни, озодлик ва ҳурлик ҳиссини англаш ва қадрлаш, иймону диёнат, буюк мерос ва анъаналарга ҳурмат, истиқлол туфайли олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, буюк келажакка ишонч, барча халқлар ва элатлар дўстлиги, юрт мустақиллиги учун курашган аждодларимиз руҳи поклари, ҳар бир фуқаронинг маънавий камолоти каби устувор мавзулар қамраб олинмоғи ва бадиий акс эттирилмоғи лозим. Сценарийда байрам ўтказиладиган пойтахтнинг Мустақиллик майдони назарда тутилиши шарт.

Танлов муддати: 1998 йилнинг 1 майигача.

Танлов мукофотлари:

1 ўрин -- 250 (икки юз эллик) минг сўм.

2 ўрин -- 150 (бир юз эллик) минг сўм.

3 ўрин -- 100 (юз) минг сўм.

Байрам сценарийси бир ярим соатга мўлжалланиши ва уч нусхада кўчирилган бўлиб, 25-30 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Муаллифлар ҳамфикр ва ҳамкорлик қиладиган саҳналаштирувчи режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

Танловга бир неча муаллиф биргаликда яратган сценарий билан ҳам қатнашишлари мумкин.

Сценарий қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов иштирокчилари исми-шарифлари ва турар-жойларини аниқ кўрсатган ҳолда ўз сценарийларини қуйидаги манзилга жўнатишлари лозим.

700129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй,
Маданият ишлари вазирлиги

1-қават, 2-3-хона «Мустақиллик байрами» танловига

Тел: *144-63-73, 144-63-63*

Янги очилган акционерлик жамияти —

"МАҲАЛЛИЙ ТЕЛЕКОМ" акционерлик компанияси

1997 йилнинг 25 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. Давлат рўйхатидан ўтиш тартиби №1049.

Юридик манзил:
Ўзбекистон Республикаси, 700000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24.

"Маҳаллий Телеком" акционерлик компанияси.

129

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СИРДАРЁ:

ЖУРНАЛИСТЛАРГА СОВҒА

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий фондининг Сирдарё вилояти бўлими хайрли ишга қўл урди. Бўлим вилоятдаги бир гуруҳ ижодкорлар қаламига мансуб «Камчи зарби» номли ҳикоялар тўпламини нашр эттирди.

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида босмадан чиққан бу китобдан 9 нафар журналист адибларнинг ҳикоялари ўрин олган. Тўпламдан нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ўз ҳажвиялари, ҳикоялари, очерклари билан яхши танилиб қолган Жўра Умарқулов, Холиқул Сагизов, Элмурод Мавлонов, Сабоҳат Норбўтаева каби қаламкашларнинг асарлари ўрин олган.

А. ХОНИМҚУЛОВ.

АНДИЖОН:

АРДОҚ

Избоскан туманида уруш ногиронлари ва ёлғиз яшовчи кексаларга маиший хизмат уйи ходимлари йилда икки марта қишки ва ёзги кийим-кечакларни бепул тикиб бермоқдалар. Яқиндан бошлаб сартарошлар, пойабзалларни таъмирловчи усталар ҳам уларга бепул хизмат кўрсата бошладилар.

Қорасув, Шаҳрихон, Асака шаҳарлари ва Асака, Шаҳрихон, Пахтаобод туманлари ҳокимликлари 600 нафарга яқин уруш қатнашчиси ва ногиронларини газ, электр қуввати, сув, телефон тўловларидан озод этди. Вилоят бўйича 34 та махсус дўкон ва 37 бўлимда 3127 нафар уруш ногирони, 1772 нафар уруш иштирокчиси, 2800 нафар ҳалок бўлган жангчи оиласига хизмат кўрсатилмоқда. 679 нафар фахрийга мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларига йўлланмалар бепул берилди. Пахтаобод тумани ҳокимлигининг ёрдами билан 40 нафар ёлғиз қария тўла давлат таъминотига олинди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

БУХОРО:

БОТИРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Бухоро нафақат осори-атиқалари ва шуҳратли тарихи билан, балки ўзининг полвонлари билан ҳам тобора дунёга машҳур бўлиб бормоқда.

Вилоятдан етишиб чиққан Собир Қурбонов, Барно Жўраев, Шуҳрат Хўжаев, Акобар Қурбонов каби жаҳон чемпионлари сафига яна бир ёш курашчи Ботир Хўжаев қўшилди.

У яқинда Қозоғистоннинг Актюбинск шаҳрида ёшлар ўртасида самбо кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси таркибида иштирок этиб, олтин медаль соҳиби бўлди.

М. ОТАБОЙ.

● ҲАЁТ БИР КИТОБ ЭКАН

СЕПЛИ ЭМАС, ЭПЛИ БЎЛИНГ

-- Қизингизнинг ҳам бўйи етиб қолибди. Ҳадемай совчилар эшик қоқиб қолади, ўргилай.

Қўшнисининг ҳазил тарзида айтган гапларидан Зуҳранинг юраги «жиз» этиб кетди, худди эртагаёқ биров қизини олиб кетиб қоладигандек...

-- Олти ёшдан йиғсанг ошади, етти ёшдан йиғсанг етади, деб бежиз айтишмаган. Сиз ҳам у-бу нарса орттириб, ташлаб қўяверинг ёки сандиғингиз тўлдими? -- Зуҳранинг хаёл суришига ҳам имкон бермай гапирарди қўшниси.

-- Э, қаёқда. Болалар улғайган сайин ташвиши ҳам ортаркан. Бир йилда икки марта кийим-бош қиламиз. Бу йилгиси янаги йилга етмайди.

-- Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деганлар. Сотиб олишга қурбингиз етмаса, қизларингизни ишга солинг. Мана, қўшнимиз Тожихон опа, ҳар йили қиш бўйи урчуқда ип йигириб, ёзда паттилам, шолча тўқиб олади. Кеча бизникига ҳангомага чиқибди. Қўлида қора ип билан оқ сурп. Гапни ҳам берди, бир ярим қулоч ироқини ҳам тикиб қўйди. Ҳар хил мато парчаларидан қураб, ёстиқ тикаётганмиш. Келинлигимда онам қуроқ кўрпача қилганди, мен ҳам қизларимга шунақа кўрпачани қиламан, дейди.

-- Кечгача ишдаман, -- деди Зуҳра хўрсиниб, -- ҳалиям қизларимнинг қўлидан иш келиб қолган, мактабдан қайттач бири уй йиғиштиради, бири овқат қилади. Уй юмушларидан бироз озодман-ку, лекин рости, шу майда ишларга тоқатим йўқ.

-- Ҳаммасини бир кунда қилиб бўлмайди, қўшни, аста-секин-да. Ҳозирча қизларингизга ироқи тиктириб туринг, рангли матолардан йиғиб қўйинг, иккиловлашиб бир бошлаб кўрамиз. Мақнатиш эмас-ку, ўзим ҳам икки жуфт ёстиқ қураб қўйдим, қўлим келиб қолди, ўргилай...

Ҳаётда зарурат деган тушунча бор. Бу ўз навбатида изланиш ва ҳаракатни юзага келтиради. Булар натижасида ният амалга ошади.

Зуҳра ҳам маслаҳаттўй қўшнисининг турткиси билан қуроқ ёстиқ-кўрпачалар тикишни ўрганиб олди. Қизларининг ҳам ажабтовур уқуви бор экан, кўзи очилган булоқдек, бичиш-тикиш юмушларини онаси буюрганидек қилиб бажаришарди. Келинининг ҳаракатини қўллаган қайнонаси қўйларининг жунларини қирқиб, йигиришга ўнғай қилиб берди. Йигирилган ипларни қора, қизил, кўк, сариқ рангларга бўяб, шолча учун ўрмак қуришди. Ўрмакбошини бойлаган қайнонаси каштали шолчани тўқишни катта неварасига ўргатди. Тўқилган шолча устида пайдо бўлаётган чиройли гулли шакллар қизларнинг ҳам завқини келтириб юборди. Мактабдан келди, дегунча улар ўрмакка навбат билан ўтириб, тўқишни давом эттиришади. Шолча тўқишни ҳали кўрмаган дугоналари ҳам келиб ҳавас қилиб кетишди.

Мен ҳикоя қилаётган оиланинг исм-шарифини тўлиқ ёзмадим. Зеро, қадриятларимиз ўзлигини топаётган бугунги кунда бу воқеа имконияти бор ҳар бир ўзбек хонадонида рўй бериши мумкин.

... Авваллари турли қийқимлардан тикилган кўрпача-ёстиқлар қизғанчиклик туфайли юзага келган нарсадек туюларди менга. Майда матоларни улаб ўтиргандан кўра каттароқ буюмдан тикилса бўлмасмикан, деган фикрни онамга ҳам бир неча марта айттанман. Бироқ келинлик сепимдаги кўрпа-кўрпачаларнинг орасидан йиғилган қуроқ ёстиқлар тахмонга кўрк бағишлаганини кўриб, фикримдан қайтганлигим рост.

Овсиним Сайёрахон Хавос туманидан. Онаси зоминлик бўлгани учунми, қуроқ нарсалар тикишнинг жуда ҳадисини олган. Шунинг учун ҳам келин бўлиб тушганида қўшниларимиз унинг энди урф бўлган «стенка»сига эмас, шифт бўйи йиғилган қуроқ ёстиқларига маҳлиё бўлишганди. Кейинчалик унинг ҳунари, маҳорати бўй етган қайнсингилларимнинг «сегли келин» бўлишида ҳам қўл келди.

Руҳшуносларнинг эътироф этишича, инсон ўз қўли, меҳнати билан яратган нарсасига вужудида мавжуд бўлган меҳр, кучқуввати (энергия)нинг маълум қисмини сарфлар экан. Шунинг учун ҳам ўзи яратган буюм бошқаларнинг ҳам эътиборини тортар экан. Бу назариянинг ҳаётдаги инъикосига ҳар биримиз гувоҳ бўлганимизга шубҳам йўқ. Чунончи, болалигимда онам тикиб берган қўғирчоқ -- дўкондан сотиб олинган қўғирчоқдан кўра яхшироқ кўринарди кўзимга. Ухлаганимда ҳам ёнимда «ётарди». Қўшни қизларга эргашиб, кашта тикишни бошлаганим, бир ёстиқни қийнала-қийнала икки ёз тикканим эсимда. «Сепбоши» бўлган бу ёстиқ ўн йилдан буён рангини бироз йўқотиб, унниқиб қолган бўлса-да, ўсмирлик дастхати туширилган нарса каби кўзимга «чўғдек» кўринади...

Ҳамма нарсанинг ўз тарихи бўлганидек, кашта-қуроқчиликнинг ҳам тарихи узун. Эмишки, Турон қабилаларидан бирини душман енгиб, одамларини асир олибди. Аёл ва болаларни бир жойга қамаб, овқатдан ва кийим-кечакдан қисиш мақсадида қолган-қутган нон-овқатлар ва буюм парчаларини уларнинг олдига ташлабди... Кунлар ўтиб, душман саркардаси аёллар ўтирган уй даричасидан қараб, ҳайрон қолибди. Ҳеч нарсага арзимайдиган буюм парчаларидан аёллар ўзлари ва болаларига ранг-баранг қилиб кийим тикиб, увада пахталарни ҳам қуралган жилдлар билан бекитишиб, ўрин-кўрпачалар тикиб олишганмиш. Саркарда ҳаётида биринчи марта сипоҳларини лол қолдириб, аёл ва болаларни озод қилибди. У ўз ҳукмига изоҳ бериб:

-- Йўқни йўндириб, излаб имкон топадиган халқни енгиб бўлмайди, -- дебди.

Синчковлик ва чидамлилик эвазига бунёд этиладиган бу санъат тури бироз маҳлиё бўлиб турсангиз ўзига ўзи қиёс бераётгандек бўлади. Чунончи, турли хил матолардан уланган буюм парчалари ранг-баранг орзулар тимсоли. Оқ-қора ипаклардан тикилган ироқилар ҳаёт янглиғ уммонда дуч келиш мумкин бўлган қувонч ва ташвишлардан инсонни огоҳ этмоқчидек ёки унга кун ва тун мавжудлигини уқтирмоқчидек туюлади, назаримда.

Баҳринисо НОРЖИГИТОВА,
Гулистон тумани.

ШАҲРИСАБЗ ТОПИЛМАЛАРИ

Хива ва Бухоронинг 2500 йиллик тўйи нишонланаётган шу кунларда мамлакатимизнинг яна бир қадимий шаҳри -- Шаҳрисабзнинг ёшини аниқлаш йўлида ҳам археологик изланишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда махсус экспедиция аъзолари учта қазув объектида иш олиб боришяпти. Қазишмалар натижасида бу ердан қадимий Кеш маданиятига тааллуқли кўплаб қимматли археологик топилмалар қўлга киритилди. Ҳатто улар орасида маданиятимизнинг 2500 — 2600 йиллдан олдинги намуналари учрамоқда. Олимлар қадимий манбаларда қайд этилган «Буюк Наутака» шаҳри айнан шу ҳудудда бўлиши мумкинлиги тўғрисида ҳам фикр билдиришяпти.

Археологик қазишмалар давомида Кўмиртепа ва Подаётоқ тепадан эрамиздан олдинги 7-6 асрларга оид ахмонийлар даврига мансуб одам ҳайкалчаси, турли сопол идишлар синиқлари, ўлчов пайконлар топилди. Албатта, бу топилмалар нафақат Кешнинг ёшини аниқлашга, балки юртимиз тарихини чуқур ўрганишга ҳам хизмат қилади.

СУРАТЛАРДА: *археолог Аҳмад Тошев (чапда) Подаётоқ тепалигидан топилган топилмаларни кўздан кечирмоқда; ноёб топилмалар*

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА)
олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 30 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	54,46
1 Австрия шиллинги	6,12
1 Англия фунт стерлинги	121,86
10 Бельгия франки	20,86
1 Голландия гульдени	38,22
10 Греция драхмаси	2,72
1 Дания кронаси	11,31
1 БАА дирхами	20,64
1 АҚШ доллари	75,79
1 Миср фунти	22,37
1 Ирландия фунти	110,54
1 Исландия кронаси	1,07
10 Испания песети	5,11
100 Италия лираси	4,40
1 Канада доллари	54,73
1 Хитой юани	9,15
1 Қувайт динори	249,29
100 Ливан фунти	4,93
1 Малайзия рингтити	23,76
1 Германия маркаси	43,05
1 Норвегия кронаси	10,64
1 Польша злотийси	22,23
10 Португалия эскудоси	4,23
1 Сингапур доллари	49,41
1000 Туркия лираси	0,44
1 Финляндия маркаси	14,39
1 Франция франки	12,82
1 Швеция кронаси	9,98
1 Швейцария франки	52,21
1 ЭКЮ	84,20
10 Жанубий Корея вони	0,83
10 Япония иенаси	6,25
1000 Россия рубли	12,93
1 Украина гривнаси	40,64
1000 Беларусь рубли	2,73
1 Эстония кронаси	5,98
1 Латвия лати	129,33
1 Литва лити	18,95
1 Қозоғистон тенгеси	1,00
1 Қирғизистон соми	4,36

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-акциядорлар компанияси 1998 йил учун республика газета ва журналларига обуна бошланганини маълум қилади.

Сиз барча алоқа бўлимларида, обуна қабул қилиш пунктларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар ва хат ташувчилар ёрдамида ўз севган нашрларингизга обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна бўйича керакли маълумотни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

133-60-78, 133-67-98, 34-85-88.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

1997 йил учун аспирантура ва докторантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

- *12.00.01-давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назарияси; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи (мусулмон ҳуқуқи) - 4 ўрин;*
- *12.00.02-давлат ҳуқуқи ва бошқаруви; конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи - 4 ўрин;*
- *12.00.03-фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ - 3 ўрин;*
- *12.00.05-меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи - 1 ўрин;*
- *12.00.08-жиноят ҳуқуқи ва криминология; ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи - 1 ўрин;*

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртқи) қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

- *12.00.01-давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назарияси; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи (мусулмон ҳуқуқи) - 3 ўрин;*
- *12.00.02-давлат ҳуқуқи ва бошқаруви; конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи - 4 ўрин;*
- *12.00.03-фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ - 3 ўрин;*
- *12.00.05-меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи - 1 ўрин;*
- *12.00.06-қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи - 1 ўрин;*
- *12.00.08-жиноят ҳуқуқи ва криминология; ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи - 3 ўрин;*

Докторантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

- *12.00.01-давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назарияси; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи (мусулмон ҳуқуқи) - 3 ўрин;*
- *12.00.02-давлат ҳуқуқи ва бошқаруви; конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи - 4 ўрин;*

Ҳужжатлар 1997 йил 10 октябрдан 1997 йил 30 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжат топширувчилар танлаган мутахассисликлари бўйича 20 бетдан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим.

Кириш имтиҳонлари танлаган мутахассисликлари, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва чет тиллари (инглиз, немис, француз)дан бўлади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.
Тошкент давлат юридик институти ўқув биноси, 34-хона (Аспирантура бўлими).
Телефонлар: 133-51-62, 133-52-73, 133-41-09.

126

Газетамизнинг навбатдаги сони 3 октябрь — жума куни чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳокимиятлари, вазирликлар, концернлар, ассоциациялар, идоралар, корпорациялар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзкимёсаноат", "Ўзпахтасаноатсавдо", "Ўзфармсаноат", "Ўзнонмаҳсулотсаноат", "Маҳаллий саноат", "Ўзавтотранс", "Махсусқотишма" РБ, Бошгидромет, Давлат геология қўмитаси, Архитектура ва қурилиш бўйича давлат комитети, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, "Кўмир" АЖ, "Ўзиталмоторхолдинг" АЖ, "Ўзбексаёҳат" миллий компанияси) билан биргаликда халқ хўжалиги соҳалари муаммоларини илмий-техник ҳал қилиш ва республика минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга йўналтирилган илмий-техник лойиҳалар ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга қўйилган муаммолар рўйхати, уни ўтказишнинг асосий шартлари аризалар бериш ва расмийлаштириш қоидалари билан Ўзбекистон Республикаси ФТДК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят фан ва техника марказлари, юқорида санаб ўтилган идора ва ташкилотларда танишиш мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар рўйхатда келтирилган масалалардан муайян бирини ҳал қилишга йўналтирилган ва кўпи билан 2 йилда натижа олиниши кўзда тутилган бўлиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун аризалар ЎзР ФТДК да 1997 йил 10 октябрдан 10 ноябргача, якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 14.00 дан 18.00 гача (шанба куни соат 10.00 дан 14.00 гача) ёки почта жўнатмаси билан (700017, Тошкент ш., Х. Сулаймонова, 29-уй) кабул қилинади.
Маълумот учун телефонлар: 139-18-56, 139-18-20.

124 uz

Европа андозаларидаги лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона қўшма корхона

"Лак колор синтез"
таклиф қилади

УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАР,
деворлар ва шифтлар учун
ФАСАД БЎЁҚЛАРИ

КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!

Тўлов тури — олдиндан.
Сезиларли сийлов тизими.

1998 йилга шартнома тузиш 1 октябрдан бошланади.

СОТИБ ОЛАМИЗ: Сиккатив, флотореагент, нурга чидамли пиил пигмент.
Олий маълумотли химик лак-бўёқчилар КЕРАК.

Манзилимиз: Тошкент, Фараона йўли, 35.
Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.
Факс: (371) 191-74-63.

111

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

ТИФЛОКС

Бактерияга қарши восита қуйидаги вазиятларда қўлланилади:
- ич терлама;
- септицемия;
- инфекция;
- сийдик-жинсий;
- суяклар, бўғинлар;
- қуйи нафас йўллари;
- тери, юмшоқ сирт;
- иммунитети сусайган беморни профилактика қилиш.

ДОЗА: 5-7 кун давомида кунига 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка

Гурхан дорихонаси фирма лицензия

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси жисмоний тарбия кафедрасининг катта ўқитувчиси Мамат Маҳмудовга отаси **Раҳматжон МАҲМУДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хатлар 136-55-39;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;
Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;
Маънавият 136-35-60;
Тунги муҳарририят 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0670, 34.126 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6